O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 11 август, № 155 (4054) Жума



БУГУННИНГ ГАПИ

Амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар, нима қилиб бўлса-да, режа кетидан қувишга эмас, балки фермернинг косаси оқаришига — даромадлар миқдорини кўпайтиришга қаратилмоғи керак.

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Шу кунларда мамлакат агросаноат жабҳаси ходимлари олдида долзарб вазифалар турибди. Бу ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда пахта йиғим-терими мавсумига пухта тараддуд кўришдир. Шу маънода август ойидаги агротехник юмушлар аҳамияти беқиёслиги туфайли ҳамма жойда зарбдор 20 кунлик эълон қилинди.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР 20 КУНЛИК

кузги хирмон тақдирини ҳал қилади

Ҳосил пишиб етилиш арафасида ҳушёрликни ошириш, бўшашувчанликка йўл қўймасдан ишлашнинг зарурлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Агар ким асосий юмушлар ортда қолди, энди буёғи ўз-ўзидан бўлаверади, деса қаттиқ янглишади. Биргина ғўза ниҳолларини чеканка қилиш нақадар нозик ва масъулиятли тадбир. Ғўзани чилпишда фақат устки қисмини эмас, ён шохларини ҳам чеканкалаш зарур. Зараркунандаларга қарши курашда ҳам лоқайдликка йўл қўйган деҳқон ёки мутахассис ўзига душман.

Экинни шарбат усулида суғориш, бу юмушни тунда ҳам тўхтатмаслик, оби-ҳаётни эгат оралатиб тараш бениҳоя муҳимдир. Агар сиз кузда пахтадан баракали ҳосил олмоқчи бўлсангиз, йиғим-теримни яйраб-яйраб амалга ошириш ниятингиз бўлса, шу кунларда тиниммсиз меҳнат туфайли 4-5 центнер қўшимча ҳосил яратиш тадбирини кўринг. Қашқадарё вилоятининг миришкор деҳқонлари шу 20 кун ичида сафарбарликни авж олдириш ҳисобига ҳар туп ғўзада яна 3,5 тадан кўсак ҳосил қилишга бел боғлашди.

Культивацияни бўшаштирмай давом эттириш муҳимдир. Деҳқонларимизнинг «Майдаланган ҳар бир кесак — қўшимча кўсак» деган ҳикматини ёдда тутайлик.

Жойларда бўлганимизда аксарият мутахассислар «Бу йилги ғўза ривожи ўтган йилдагидан олдинда» деган хулосаларни айтишяпти. Эҳтимол, ёзнинг иссиқ келиши самарали ҳарорат миқдорининг мўллигини таъминлаган бўлса бордир. Лекин бундай қараш лоқайдликка, ҳали кўм-кўк ўсаётган ғўзага маҳлиё бўлишга асос вазифасини ўтай олмайди. Ахир халқимизда «Даладагиси насия, омбордагиси нақд» деган нақл бежиз айтилмаган.

Ғўза туплари орасидан ўтган техника, пайкал оралаган деҳқон, ҳатто эсган шабаданинг ҳам ҳосилга ҳосил қўшишда муҳим ўрни бор. Бу юмушни кўпни кўрган бободеҳқон «Далани варақлаш» деб таърифлайди.

Шундай қилайликки, ана шу зарбдор 20 кун мобайнида ҳосил тўплашда масъул бўлган ҳар бир шахс — у деҳқон ёки механизатор бўладими, уларга шарт-шароит яратишга масъул ҳоким ёки агросаноат идораси вакилими, қишлоқ хўжалигида қонун устуворлигини таъминлашга даъват этилган прокуратура ёки ички ишлар ходимими — ҳамма-ҳамма далани тарк этмасин.

Амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар, нима қилиб бўлса-да, режа кетидан қувишга эмас, балки фермернинг косаси оқаришига — даромадлар миқдорини кўпайтиришга қаратилмоғи керак. Бунинг учун пировард натижани кўзлаб ишлаш, меҳнат мазмунини англаш, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни қалбдан ҳис этиш муҳимдир.

Шу ғанимат дамларда ҳар бир вилоят ва туманларда маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, минтақаларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, фермерларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ғўзанинг вегетация даврида бевосита далаларга ўғитлар етказиб берилса, далада ишлаётганларнинг иш ҳақлари ўз вақтида тўлаб борилса, бу ғамхўрликнинг самараси бўлиши керак ахир... Хуллас, август ойидаги зарбдор меҳнат пахтадан баракали ҳосил тиклашимизга кафолат бўлмоғи лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2006 йил 10 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кенгаш мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисини 25 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунлар киритилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунлари муҳим аҳамиятга эгадир. Сенат "Фирма номлари тўғрисида"ги, "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунларни кўриб чиқади. Сенат кўриб чиқиши учун "Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреаль, 1997 йил, 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги, "Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил, 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар киритилмоқда. Сенат муҳокамасига молия, банклар фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонунлар, шу жумладан, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар киритилмоқда.

Шу билан бирга Олий Мажлис Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа бир қанча масалаларни киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг еттинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириб боришни Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

Кун тартибига мувофиқ Кенгаш "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Кенгаш қарори бажарилиши якунларини муҳокама қилди. Кенгаш мажлисида олдинги йилларда ўтказилган сайловлардан фарқли ўлароқ, бу йилги сайлов биринчи марта 2004 йилда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ўтганлиги қайд этилди.

Қонунга мувофиқ сайловни ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун давлат идоралари томонидан жойларда 199 та туман ҳамда шаҳар комиссиялари тузилди, 8843 та ишчи гуруҳ ташкил этилди. Улар таркибига "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон ёшлари "Камолот" ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлинмаларининг вакиллари киритилди. Комиссиялар ва ишчи гуруҳларга ишда фойдаланиш учун 12 минг нусхадан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғриси-

(Давоми 2-бетда).

ФЕСТИВАЛЬ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида шу йилнинг 15 августидан 25 августигача бўлиб ўтадиган «Навқирон Ўзбекистон-2006» анъанавий ва замонавий санъат фестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Таъкидланганидек, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган мазкур фестиваль «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан иккинчи марта ўтказилмоқда. Илк бор Тошкент шаҳрида 2004 йилнинг сентябрь ойида муваффақият билан ўтказилган фестивалда юзлаб ёш рассомлар иштирок этганди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ёшлар орасида истеъдодлиларни излаб топиш ва рағбатлантиришга оид тадбирларни изчил ташкил этиш хайрли анъанага айланган. Мамлакатимизда ўтказилган «Янги авлод», «Келажак овози» каби кўрик-танловлар бунинг ёрқин далилидир.

«Навқирон Ўзбекистон-2006» фестивалида иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган мўйқалам соҳиблари жалб этилди. Тадбирга рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, бадиий фото, видеоарт, инсталляция, кулолчилик, чиннисозлик, кандакорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги каби йўналишлар бўйича ишлар танлаб олинади.

Энг яхши асарлар учун дебют, ўзига хослик ва замонавийлик, маданиятлар мулоқоти, концептуал замонавий лойиҳалар, сулолалар давомийлиги, замонавий санъатда анъанавий мактабни сақлаш, замонавий санъатда инновацион лойиҳалар сингари номинациялар бўйича совринлар белгиланган. Фестиваль доирасида таниқли усталар ва рассомлар, санъатшунос мутахассислар билан учрашувлар, анъанавий ва замонавий санъат муаммоларига бағишланган мунозаралар, маҳорат сабоқлари каби ижодий тадбирлар режалаштирилган.

Фестивалга ҳозиргача икки юз нафардан зиёд ёш ижодкор ўзининг мингга яқин ижодий ишини тақдим этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Тадбиркорга шароит керак

Маълумотларга кўра, бугун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 310 мингдан ошиб, уларнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 38,2 фоизни ташкил этади.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 65 фоиздан ошиғи айнан мана шу соҳада ўз рўзғорини тебратмоқда. Агар буларнинг ёнига яна 180 минг нафардан зиёд фермерларимизни ҳам қўшадиган бўлсак, уларнинг юртимиз ҳаётида катта куч эканлиги аён бўлади. Буни яхши англаган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда ушбу партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази "Тадбиркорлар ва давлат органларининг ўзаро муносабатлари" деб номланган тадбир уюштирди.

Унда республикамиздаги тегишли мутасадди вазирлик ва идораларнинг вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди. Қизғин баҳс ва мунозарага бой бўлган тадбирда бугуни тадбиркорлар фаолиятига соя ташлаб турган айрим камчилик ва муаммоларга тўхтаб ўтилди. Айниқса, ҳали ҳам кўпчилик тадбиркор ва фермерларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги анча пастлиги муаммоларга бирламчи сабаб бўлаётгани иштирокчилар томонидан айтиб ўтилди. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилаётган шартнома шартларининг ўз вақтида бажарилмаётганининг сабаблари ҳам муҳокама марказида бўлди. Сўзга чиққанлар бу муаммоларни ечишда бир қатор таклифларни илгари суришди. Хусусан, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" давлат акционерлик компанияси томонидан етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари учун аванс миқдорини камайтириш ҳамда лизинг тўловларини ҳар ойда эмас, балки давлатга сотган маҳсулоти учун ҳисоб-китоб даврини инобатга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Қ. ХИДИРОВ.

Сўнгги соатда

Натижалар яхшиланмоқда

Туркияда ёшлар ўртасида Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси қизғин давом этмоқда.

Мусобақада ака-ука Хуршид ва Жамшид Мустафоев, Евгений Пак ва Александр Касян каби иқтидорли шахматчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Вакилларимиз кейинги икки турда Швеция ва Ҳиндистон мамлакатлари шахматчиларига қарши дона сурдилар. Швециялик шахматчилар билан ўтказилган баҳсда ўзбекистонликлар 3:1 ҳисобида зафар қучишди.

Ҳиндистон жамоаси билан ўтган ўйин эса анча муросасиз кечди. Унда А. Касян — С.Шринивасни, Х. Мустафоев — Р. Премнатохни мағлубиятга учратган бўлса, Е. Пак — М. Шаям Сундарга, Ж. Мустафоев эса П. Сараванга ютқазиб қўйди. Умумий натижа — 2:2.

Ҳамюртларимиз ҳозирча 13 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Маслаҳатчилар кўрик-танлови

Жиззахдаги «Маҳалла маркази»да энг намунали диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда вилоятдаги жами 230 нафар маслаҳатчининг энг сара ишлари, намунали фаолият дастурлари намойиш этилди.

Зомин туманидаги «Бирлик» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Назокат Қорабекова фаолияти кўрик-танловда энг намунали деб топилди. Энди у танловнинг республика босқичида қатнашади.

Б. САТТОРОВ.

Янги йўл ўтказгич

Наманган шаҳрининг Чорсу даҳасида қурилиши ниҳоясига етказилаётган йўл ўтказгич ноёб иншоотлардан. Кейинги пайтларда қатнов кўплигидан транспортлар оқимини сиғдира олмай қолган чорраҳа устида бунёд этилган бу иншоот ҳаракатнинг ярмини ўз зиммасига олади. Қурувчилар йўлнинг кўприк ости қисми ҳамда пиёдалар ўтиш йўлакларини ҳам жаҳон андозалари асосида барпо этишяпти. Иншоотда ҳозиргача бир миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Вилоятнинг зарбдор қурилишларидан ҳисобланган мазкур иншоотда айни пайтда 15 га яқин пудратчи ташкилот, саксондан ортиқ машина-механизм, икки юздан кўпроқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Уларнинг мақсади йўл ўтказгични Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш.

Қ. НАЖМИДДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

да"ги ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг матнлари махсус нашр этилган рисолалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказиш масалаларига доир бир қанча қўлланма ва рисолалар юборилди.

Сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатасининг сенаторлари, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фаол иштирок этдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар кенг ошкоралик ва очиқлик вазиятида ўтди. Оммавий ахборот воситалари сайловнинг боришини кенг ёритдилар.

Сайловлар якунлари фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражаси ошганлигини, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ва асосланган "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг изчиллик билан амалга оширилаётганлигини ифодалади.

Умуман олганда, сайлов тадбирларида 12 миллион 315 минг 818 сайловчи номидан 574687 нафар вакил иштирок этди. Улар 27715 номзод орасидан 8843 нафар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)ни муқобиллик асосида сайладилар. Улар орасидан 2895 нафар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ёки улар умумий сонининг 32,7 фоизи илк бор сайланди. Шунингдек, 84375 нафар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг маслаҳатчилари ҳам сайланди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) этиб сайланганлар орасида 6016 киши ёки ҳамма раисларнинг 68 фоизи олий маълумотга эга, 4177 нафар раис (47 фоиз) 50 ёшга, 818 нафар раис (9 фоиз) 40 ёшга етмаган. Фуқаролар йиғинлари раислари орасида аёллар сони кўпайди. Агар 2003 йилда улар 734 нафар ёки тўққиз фоиз бўлган бўлса, 2006 йилда 981 нафар ёки 11 фоизни ташкил этди.

Фуқаролар йиғини мажлисларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги, давлат ҳокимиятининг маҳаллий ижро органларининг муҳим ижтимоий, уй-жой-коммунал ва бошқа масалаларни ҳал этишдаги мавжуд камчиликлар танқидий ва очиқ муҳокама этилди. Хусусан, жойларда мавжуд бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда муҳтож оилаларнинг болаларига нафақалар тайинлаш масаласини адолат билан ҳал қилмаслик ҳоллари, фуқаролар йиғинлари билан уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик етарли эмаслиги ва бошқа аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган муаммолар қайд этилди.

143 та фуқаролар йиғинларида улар раҳбарларининг ўтган даврдаги иши қониқарсиз деб топилди, оқсоқолларга ишончсизлик билдирилди ва улар қайта сайланмадилар.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда билдирилган мулоҳаза ва таклифларни умумлаштириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, уй-жой-маиший муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ дастурлар тайёрлаш ва Сенатнинг ялпи мажлисида кўриб чиқиш учун юқори палатанинг тегишли қўмиталари сенаторлари ҳамда дахлдор ташкилотлар вакиллари орасидан ишчи гуруҳи тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлиги бўйича комиссия аъзоларининг Ўзбекистон қисми таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳамда Евросиё иқтисодий ҳамжамияти Парламентлараро Ассамблеяси фаолиятида Сенат вакилларининг иштироки ва кун тартибидаги бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 10 август. Ҳасан Қудратуллаев Бунёдкорлик одимлари»:

«Келинг, сўхликлар катта ғурур билан яратаётган ўзгаришларни улар билан бирга кўриб, қувончларига шерик бўлайлик. Туманда 2004 йили Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 180 млн. сўм сарфланиб, «Сўғдиёна» спорт комплекси қуриб фойдаланишга топширилди. Тумандаги марказий стадион қайта реконструкция қилинди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Ленбур, Ғазнов, Қизилқиёс қишлоқларига тоза ичимлик сув қувурлари тортилди».

«XXI ASR» 10 август. Шамсиддин Жумаев «Миллий қаҳрамонлар ва миллий ғоя»:

«Хўш, нима учун миллий қаҳрамонлар миллат қалбида абадий яшайдилар?

Бу саволга ҳар бир одамдан бир-бирига ўхшаш бўлган турлича жавобларни эшитиш мумкин. Лекин уларнинг мазмун-моҳияти ўзгармай қолаверади. Чунки миллий қаҳрамонлар ўз жонларини миллат равнақи йўлига тиккандирлар».

«Фидокор» 10 август. Нурбой Жабборов «Истиқлол ва миллий шеърият»:

«Устоз адабиётшунослардан бири Абдулла Орипов тўртликларини ёмбига қиёслайди. Ёмби — бойлик рамзи. Гўзаллик ва жозиба ҳам бор унда. Буни инкор этмаган ҳолда мен Абдулла Орипов шеърларини, жумладан, тўртликларини маънолар хазинасига қиёслаган бўлардим. Бинобарин, ҳар қандай шеърда теран маъно ва гўзал бадиият мужассам бўлмоғи зарур».

«Ҳаёт» 10 август. Нодир Нарзуллаев «Кўприклар»:

«...Бугун, Истиқлолнинг 15 йиллиги байрами тантаналари тобора яқинлашаётган шу файзиёб кунда Тошкент телеминорасидан туриб, пойтахтимизга кўз ташладик. Янги йўллардан юриб, янги кўприклар оша шаҳримизнинг кўрки жамолини томоша қилдик. Бу маҳобатдан, бу гўзалликдан юракларимиз ҳаприқиб кетди. Дил-дилимизни фахр-ифтихор туйғуси эгаллаб олди. Шу юртда яшаётганимиздан, шу юртнинг боласи бўлганимиздан чексиз қувондик».

ИФТИХОР

Президентимизнинг бир ибратли фикрлари ёдга тушади: ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни, мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ўзбек халқи шаънини улуғлаш, номга муносиб бўлиш ҳар бир ёш авлоднинг энг улуғ бурчидир!

Айниқса, санъат аҳли оламида ёшларнинг бу борада қилаётган ташвиқотлари, яратаётган ижод маҳсуллари қувонарли ҳол. Шундай ёшларимиздан бири Шаҳзодадир. Унинг саҳна манераси, одоб-ахлоқи, сўзлаш маданияти тингловчиларга ўрнак бўла олади. Ундан ташқари, яратаётган қўшиқларидаги жозиба бугунги кунда минглаб мухлисларнинг қалбидан жой олмоқда. Катта тадбирларда куйлаётган ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқлари юртдошларимизда яхши таассурот қолдирган.

Ватанпарвар, фидойи бўлиш учун табаррук юрт остонасини дилдан англаб етиш пойдевор бўлса керак. Ватан — киндик қони тўкилган муқаддас замин. Унинг озодлиги, элининг бошида ҳурлик офтоби чарақлаши учун қанча ватандошлар жонларини қурбон қилмади?! Фидойилик мана шундай фидойиларни англаб етишдан бошланади. Узоқ юртларда ҳар бир инсон ўз юртининг салқин шаббодасини соғинса ажабмас.

Шаҳзода ҳам кўп бора чет эл сафарларида бўлган. Ушбу таассуротларни ўқиб кўринг-а:

Шаҳзода: «ЮРТБОШИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК!»

«Самолёт самога кўтарилар экан, яна тезда пастга тушгим келади. Қўмсаш учун бир сония ҳам етарли экан. Соғинч қадрини оширади, бундай пайтларда. Самолёт ўзга юртнинг аэропортида. Нимадир тамадди қилиш учун яқин орадан овқатланадиган бирон жой излаймиз. Беихтиёр, ўзбегимнинг янги тандиридан узилган нони-ю, серқуёш юртимнинг офтобида пишган тотли мева- чевалари ёдга тушади. Ватан ҳавоси, тупроғининг ҳидида ҳам фарқ сездим. Мафтункор, ёруғ, кўркам пойтахтим — Тошкент кўз олдимдан ҳеч кетмайди. Ўйлаб қарасам, ҳар бир одимимда менга куч, далда бўлган нарса — онамнинг дийдори, ҳамкасбларимнинг, яқин кишиларимнинг меҳр-муҳаббати, тинч-осойишта юртимга яна қайтишим ҳақидаги ўй! Бир кун — бир йилдек бўлади. Ватанлар кўп, улар ичра мен учун Ўзбекистон ягона! Ўйлаб қарасам, Ватан бизга ҳамма нарса берибди: эркинлик, мустақиллик, демократия, озод сўзлаш ҳуқуқи, бахтиёр яшаш учун ҳамма шароит мавжуд. Атрофимизга теран назар ташласак, айрим мамлакатларда тинчлик деган сўзни ҳалиҳануз тушунмай, шу сўзни бирон марта тилга олар эканмизми, дея яшашяпти. Бизда эса ҳурлик офтоби билан ёшларимиз, бутун халқимиз бахтли яшаяпти. Тинчлигимизга, осойишталигимизга раҳна солмоқчи бўлган қора кучлар айни пайтда дунёда хавф туғдираётган террористик оқимларга жавобан қўйлашимиз керак, Ахир, Президентимиз айтганларидек, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоғимиз даркор. Ҳамма ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўз ҳиссасини қўшмоғи даркор. Дунё ҳамжамиятида юртимиз ўрнинц топаётганлиги, ёшларимизнинг дунёнинг энг нуфузли ўқув даргоҳларида таҳсил олиб, ўз билими, интилиши, миллатпарварлиги билан ҳамманинг ҳавасини келтираётгани, истеъдодли ёшларимиз дунё миқёсидаги турли кўрик-танловларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келаётгани, спортимиз ютуғи ҳам юқори чўққиларни забт этаётганидан фахрланмай бўладими? Бу миллатимиз ва давлатимизнинг ютуғи. Биз Юртбошимизга қанот бўлмоғимиз керак. Ёшларга, биз мустақил авлодга шу қадар ишонибдиларми, уларнинг ишончларини оқлашимиз даркор! Ўз иқтидоримиз, истеъдодимиз, соф меҳнатимиз билан Ватанимиз равнақига ҳисса қўшмоғимиз керак. Айтингчи, ким онасининг юзига тик қарай олади, ким онасининг сўзини икки қилади, худди шу каби Ватанимизга онамизга бўлганчалик меҳрибонлик қилайлик. Ватан мезбон, биз меҳмон. Муносиб меҳмон бўлайлик. Она Ватанимиз тинч — биз тинчмиз. Мен санъаткор бўлишни болалигимдан орзу қилганман. Шу орзуларим йўлида қўлимдан келганча ижод қилиб келмоқдаман. Ҳар йили янги репертуар яратиб, яккахон концертларимни тақдим этиб келяпман. Муҳаббат, Ватан мадҳи, Наврўз, Ўзбекистон, Дўстлик, ҳаёт мавзуларида бир нечта қўшиқларим бор. Ҳали олдиндаги режаларим анчайин залворли. Уларни секин-аста забт этиб бораверaман. Ватанимнинг муносиб қизи бўлишга ваъда бераман!»

Бир қалбда шунча гаплар. Ҳиссиётга берилгани билан чин дилдан чиқяпти. Яхшилик қилишни қалбига туккан ёшлар эртага албатта бошқалар қалбида ҳам яхшилик уруғини экади. Қўшиққа, санъатга меҳр қўйган одамдан ёмонлик чиқмайди-ку, ахир. Ватанимизни мадҳ этувчи, унинг номини кўкларга кўтарувчи мана шундай баркамол ёшларимиз бор бўлсин!

Жасур ҲАМРОЕВ.

Ҳарорат, хавфсизлик, ҳимоя

Тадбир

Бу йил қиш қаттиқ келди. Шимолий ярим шардаги кўплаб мамлакатлар қалин қор ичида қолди. Ўшанда совуқдан азоб чеккан кўпчилик тезроқ ёз фасли келишини орзиқиб кутгани шубҳасиз.

Аммо бу йилги ёз ҳаммага ҳам роҳат бахш этмади. Ҳароратнинг кескин кўтарилиб кетиши оқибатида айрим жойларда аҳоли саломатлиги ёмонлашди, Европа ва Шимолий Америкада юзлаб одам ҳалок бўлди. Биргина ўтган ҳафтада Нью-Йорк шаҳрида 24 киши оламдан кўз юмди. Францияда эса ёзнинг ўтган даври мобайнида 112 киши вафот этди.

Маълумотларга кўра, кейинги йилларда сайёрамизда ҳарорат 0,6 даражага кўтарилган. Мутахассислар бунга антропоген омилларни сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Бугунги кунда дунё бўйича йилига 4,5 млрд. тонна кўмир, 3,2 млрд. тонна нефть маҳсулотлари, газ ва бошқа ёнилғилар ишлатилади. Оқибатда парник газлар пайдо бўлиб, музликларнинг эриши, денгиз сатҳининг кўтарилиши, саҳроланиш ва қурғоқчилик суръатлари ортмоқда. Бу эса жамоатчилик олдига бир қанча вазифалар қўяди.

Шулардан бири аҳолининг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиши, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва иссиқ ҳаво ҳароратига мос турмуш тарзини шакллантириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришдир. "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган "Иссиқ иқлим шароитида турмуш тарзи ва саломатлик масалалари" мавзуидаги тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси, Фанлар академияси вакиллари иштирок этиб, йиғилганларга зарур тавсия ва кўрсатмалар беришди.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон халқи 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида эришган ютуқлар мени қувонтирмоқда. Йилнинг биринчи ярмида мамлакат саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларда сезиларли ўсишга эришиб, жиддий ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ютуқлари қувонтираётган Ўзбекистон

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган қатор чоратадбирлар амалга оширилиши натижасида кичик хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти юксалмоқда, аҳоли даромадлари ошиб, ишга жойлашиш бўйича мавжуд имкониятлар кенгайиб бораётир.

Қўлга киритилаётган янги натижалар 15 йил муқаддам истиқлолга эришган Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг ниҳоятда тўғри моделини танлаганини намойиш этмоқда. Ушбу модель нафақат хусусийлаштириш жараёнларини муваффақиятли равишда амалга ошириш, балки иқтисодиётнинг турли соҳаларини жадал суръатда ривожлантириш имконини ҳам берди. Ижтимоий барқарорлик таъминлангани боис хорижий сармояларни жалб қилиш ва кенг миқёсли халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нуфузли аъзоси бўлган Ўзбекистон миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлагани ҳолда, ШҲТ доирасидаги кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Бу эса, ўз навбатида, бутун Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Чэнь ЮЙЖУН, ХХР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро муаммолар институти Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё бўлими директори.

"Жаҳон" АА.

Пекин.

Фармон ва ижро

АСОСсиз аралашувга ли тўсиқ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун етарли шарт-шароит мавжуд. Унинг халқ хўжалигидаги ўрни ҳисобга олиниб, иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб эътироф этилди. Шу боис ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда мазкур соҳанинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бироқ ҳали-ҳануз тадбиркорларга тўсқинлик қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш ҳоллари учрайди. Ана шу нуқсонларни бартараф этиш, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 5 октябрда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари қабул қилинди.

Хўш, ўтган даврда фармонлар ҳаётга қай тарзда татбиқ қилинди? Тегишли идоралар муҳим ҳужжатлар ижроси юзасидан қандай ишларни амалга оширди? Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари Салом САМАДОВдан шу ҳақдаги фикрини сўрадик.

— Айтиш жоизки, тадбиркорларнинг фаолиятини бўлар-бўлмасга текшириш меҳнат унумига таъсир қилади. Ёки қимматли вақтини қоғозбозликка сарфлаши унга ортиқча ташвишдир. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган Президент фармонлари бундай муаммоларга барҳам берди. Уларнинг иши янада гуркирашига хизмат қилди. Ўз навбатида, ушбу муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида прокуратура органлари томонидан қатор ишлар амалга оширилди, — дейди у. — Мазкур йўналиш бўйича асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашув ва турли кўринишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилганини айтиш керак. Мазкур ҳужжатларнинг ижросини ўрганиш чоғида, идорамиз вакиллари томонидан, айниқса, қонунчилик тарғиботига аҳамият берилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузганлар огоҳлантирилди, тегишли идораларга тақдимномалар киритилди, айрим ҳолатлар юзасидан эса жиноят ишлари қўзғатилди. Хусусан, бу йўналишда ўтказилган текширишлар давомида 2536 та қонунбузиш ҳолатлари аниқланган, ҳуқуқий ҳужжатларни ноқонуний бекор қилиш ҳақида 923 та протест келтирилган, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларига аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ҳақида 579 та тақдимнома киритилган. 456 нафар мансабдор қонунни бузмаслик ҳақида огоҳлантирилиб, 900 нафар шахс маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортилган.

Бу соҳада қонунийликни таъминлашда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашув ҳолатларининг олдини олишга асосий эътибор қаратилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ 41 та жиноят ишлари қўзғатилди, тергов натижасига кўра йигирма нафар шахсга нисбатан ўн тўққизта жиноят иши судга юборилди. Қилмишларнинг ўнтасини порахўрлик, ўн учтасини мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ўн иккитасини ўзлаштириш ва олтитасини бошқа турдаги жиноятлар ташкил қилади.

Тараққиётга тушов бўладиган иллатлардан бири порахўрлик бўлиб, у тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам жиддий зарар етказади. Янгиқўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Ш. Қирғизбоев шунга мойил инсон экан. У тадбиркор Ш. Собировнинг «Жавоҳир СЖЖ» хусусий фирмасини банкрот, деб эълон қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштиради. Эвазига эса 1,2 миллион сўмни таъмагирлик йўли билан пора тариқасида олади. Бундай мисоллар ягона эмас. Масалан, «Супракост» МЧЖга алкаголь маҳсулотлари билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани бериш Савдо хизмати кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг Чилонзор тумани бошқармаси ваколатига киради. Лекин бошқарма бошлиғи А. Абдурасулов бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Оқибатда юз минг сўм пора билан қўлга тушди.

Порахўрликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири — бу масъул мансабдор шахслардаги маънавий қашшоқликдир. Афсуски, бу ҳол ҳанузгача давом этмоқда. Йўқса, Адлия вазирлигининг суд қарорларини ижро қилиш департаменти бош ҳисобчиси А. Ўроқов Юнусобод тумани суди биносида таъмирлаш ишларини амалга ошираётган «Фиопс» хусусий корхонаси раҳбаридан насос станциясини қуриш учун 15 миллион сўм пул ўтказиб бериш эвазига 3600 АҚШ доллари сўрармиди?!

Кўраяпмизки, баъзи нопок мансабдорлар тадбиркорга елкадош бўлиш, йўл-йўриқ кўрсатиб, кўмаклашиш ўрнига ундан таъма қилаяпти. Буни асло кечириб бўлмайди.

— Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашган мансабдор шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш назарда тутилган.

— Дарвоқе, шундай. Аммо мазкур ҳужжатнинг моҳиятидан келиб чиқиб, тарғиботташвиқот ишларини олиб бориши лозим бўлган ташкилотлар томонидан унинг талаблари бузилаётгани афсусланарлидир.. Жумладан, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсатисиз Жиззах вилояти монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи И. Ороловнинг буйруғига биноан, бўлим бошлиғи О. Қулматов акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти филиалида текшириш ўтказади. Хўжалик ҳисобидаги гинекология бўлими, терапевт маслаҳати, «УЗИ» ва бошқа пуллик хизмат бўлимларининг молиявий фаолиятини асоссиз равишда тафтиш қилади.

Худди шунингдек, тегишли рухсатисиз Жиззах шаҳридаги қатор тиббиёт масканларида ноқонуний текширишлар ўтказилади. Албатта, ушбу ҳолатлар вақтида аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

— Юқорида қайд этилган Фармонда тадбиркорлик субъектларига нисбатан назорат органлари томонидан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланишига йўл қўймаслик назарда тутилган. Бироқ, ушбу талабга амал қилмаётганлар ҳам бор?

— Афсуски, шундай. Бу борада ҳам ҳуқуқбузарликлар мавжуд. Ачинарли томони, назорат органларининг бундан тегишли хулоса чиқармаётганлигидир. Масалан, Жиззах вилояти монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ш. Қурбонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Жиззах вилоятидаги ҳудудий бошқармасининг бошлиғи Ш. Ҳамроев ва бошқалар ушбу ҳужжатнинг моҳиятини ўрганишга ва ундан ижодий фойдаланишга ҳеч эътибор бермаганлар. Ҳатто, Жиззах вилоятидаги ҳокимликлар ва ҳокимлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари ва бошқа назорат органларидаги ходимлар ҳам

ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

«НАВОИАЗОТ» ОАЖнинг 49% (қирқ тўққиз фоиз) акциялар пакетини **60 009 600** (олтмиш миллион тўққиз минг олти юз) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх ва **«АММОФОС» ОАЖнинг** 49% (қирқ тўққиз фоиз) акциялар пакетини **17 164 400** (ўн етти миллион бир юз олтмиш тўрт минг тўрт юз) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича сотиш юзасидан илгари эълон қилинган тендерлар доирасида тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2006 йил 25 сентябргача узайтирилганлигини маълум қилади.

